


“Тасдиқлайман”

“Buxoro xalqaro aeroporti” МЧЖ директорининг  
ишлиб чиқариш бўйича биринчи ўринбосари,

харид комиссияси раиси



Jabborov Z.B.

«04» 10 2022 г.

### Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари

Сантехника материаллари, жиҳозлари ва қурилмаларини  
сотиб олиш бўйича

Бухоро – 2022 й.

## ТАНЛАШ ҲАҚИДА АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

<b>Харид предмети</b>	Сантехника материаллари, жиҳозлари ва курилмаларини сотиб олиш бўйича
<b>Лотларга бўлинниши</b>	1 та лот
<b>Савдоларни ўтказиш даври (ой)</b>	Октябрь ойи
<b>Молиялаштириш манбай</b>	Давлат бюджети маблагларидан ташқари, ўз хисобидан
<b>Бошланғич нарх</b>	Танлаш лотида электрон тарзда кўрсатилган ( сўм, КҶС билан )
<b>Танлаш таклифининг таъминотимиқдори (закалат ёки банк кафолати)</b>	3% бир лот учун
<b>Тўлов шартлари</b>	Олдиндан тўлов шартнома суммасининг 30 фоизи миқдорида ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 банк куни ичida амалга оширилади. Қолган 70% товар олинган кундан бошлаб 20 кун ичida амалга оширилади.
<b>Тўлов валютаси</b>	ўзбек сўми.
<b>Хизмат кўрсатиш жойи</b>	Бухоро ш., Б.Навоий шоҳкӯчаси, 251
<b>Етказиб бериш/хизмат кўрсатиш муддати (вақти)</b>	Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 10 календарь кун муддатда
<b>Танлаш таклифининг амал қилиш муддати</b>	Таклифлар берилган кундан бошлаб камида 30 кун
<b>Танлаш иштирокчиларига қўйиладиган талаблар</b>	<i>Танлашида, унда қатнашии учун қўйиладиган шартларни бајсарган, мулкчилик шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган барча жисмоний ёки юридик шахслар иштирок этиши мумкин.</i>
<b>Танлаш таклифларини тақдимэтиш муддати (камида беш иш куни ва кўни билан ўн икки иш куни)</b>	комида беш иш куни
<b>Танлаш ўтказиш бўйича харид комиссияси котиби (ёки ишчиоргани)</b>	Буюртмачининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар: О.Ш. Ахмедов Тел.: (+99897) 301-21-06

## I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

- 1 Умумий  
коидалар.
- 1.1 Танлаш бўйича мазкур харид қилиш хужжатлари (кейинги ўринларда - танлаш хужжатлари) Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) талабларига мувоқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Танлаш предмети: Сантехника материаллари, жиҳозлари ва қурилмаларини сотиб олиш бўйича
- 1.3 Танлаш ўтказиш (лойиҳани амалга ошириш учун) учун асос: КҚМ тайёргарлик кўриш.
- 1.4 Танлашнинг бошланғич нархи:  
Танлаш лотида ҳар бир товар учун алоҳида-алоҳида электрон тарзда кўрсатилган (сўм, ҚҚС билан)  
Танлаш таклифида кўрсатилган нархлар бошланғич нархдан ошмаслиги керак.
- 1.5 Харид комиссиясининг мажлислари харид комиссияси аъзолари ҳозирлигига юзма-юз ўтказилади. Юзма-юз мажлислар видеоконференциялар (телеконференциялар ва ҳоказо) шаклида ўтказилиши мумкин.  
Харид комиссияси ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз бериш хукуқига эга.
- 1.6 Ушбу танлаш хужжатларида фойдаланиладиган асосий тушунчалар:  
**аванс тўлови** - қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачи ва харид қилиш тартибтаомиллари иштирокчisi томонидан киритиладиган, операторнинг воситачилик йигимини ва томонларнинг закалатини ўз ичига олган молиявий маблағлар суммаси;
- таклифни таъминлаш** - буюртмачининг талабига биноан иштирокчи томонидан таклифлар ва мажбуриятларнинг гаров, кафолат, закалат тарзида ёхуд қонунчилик хужжатларида назарда тутилган бошқа усуlda таъминланиши;

**давлат харидлари электрон тизимининг оператори** (кейинги ўринларда - **оператор**) - давлат харидларининг субъектларига давлат харидларининг электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатадиган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган маҳсус ваколатли юридик шахсдир;

**шахсий кабинет** - электрон давлат харидларидаиштирок этишни ҳамда зарур ахборотни жойлаштиришни ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган, буюртмачи ёки харид қилиш тартиб-таомили иштирокчисининг маҳсус ахборот порталдаги индивидуал сахифаси;

**хисоб-китоб-клиринг палатаси** (бундан бўён матнда **ҲҚКП** деб юритилади) - аванс тўловларини депонентлаш ва уларни хисобга олиш йўли билан шартномалар бўйича мажбуриятларни бажара оладиган иштирокчиларни электрон харидларга киришини таъминловчи Операторнинг таркибий бўлинмаси;

**давлат харидларининг электрон тизими**(бундан бўён матнда **электрон тизим** деб юритилади) - электрон давлат харидлари жараёнида давлат харидлари субъектларининг ҳамкорлигини, электрон давлат харидлари жараёнидаги харид қилиш тартиб-таомиллари ўтказилишини таъминлайдиган ташкилий, ахборотга оид ва техник ечимларнинг дастуриймажмуи;

**электрон давлат харидлари** - ахборот- коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат харидларини амалга ошириш шакли.

**2 Электрон танлаш 2.1  
ташкилотчилари**

Танлаш буюртмачиси: “Вихого xalqaro aeroporti” МЧЖ (кейинги ўринларда – “Буюртмачи”).

- 2.2** Танлаш ўтказиш бўйича харид комиссиясининг ишчи органи “Buxoro xalqaro aeroporti” МЧЖ ҳисобланади. Буюртмачининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахс: “Buxoro xalqaro aeroporti” МЧЖ шартномалар бўйича иқтисодчи Ахмедов Оқилжон, тел: 97 301-21-06  
Манзил: Бухоро шаҳар, Б.Нақшбанд шоҳкӯчаси, 251 тел: (+99865) 228-90-90.
- 2.3** Шартнома эгаси: “Buxoro xalqaro aeroporti” МЧЖ
- 2.4** Танлаш, камида беш нафар аъзодан иборат таркибда буюртмачи томонидан ташкил қилинган харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 3 Электрон танлаш иштирокчилари**
- 3.1** Электрон танлаш иштирокчиси (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) электрон таанлашда давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида иштирок этайтган, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган жисмоний ёки юридик шахсdir.
- 3.2** Иштирокчи:  
давлат харидлари тўгрисидаги ахборотдан қонунчиликда назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш; буюртмачига ёки у томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш ҳамда улардан тушунтиришларолиш; давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга харид қилиш тартиб-таомиллари натижалари юзасидан шикоят қилиш; қонунчиликка мувофиқ таклифларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни қайтариб олиш хукуқига эга.
- 3.3** Иштирокчи:

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;  
харид қилиш хужжатлари талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва ҳужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлиши;  
асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;  
голиб деб топилган тақдирда, Буюртмачи билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.

3.4 Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашуви бўлган иштирокчи давлат харидлари иштирокчиси бўла олмайди.

3.5 Иштирокчи давлат хариди ижрочиси (голиб) дебэътироф этилган тақдирда:  
танлаш савдолари якунлари бўйича голиб деб расман эълон қилинган кундан эътиборан икки кун мобайнида давлат харидлари маҳсус ахборот порталида тегишли маълумотларни жойлаштириш орқали бевосита ёки билвосита 25 фоиз ёки ундан кўп акцияларга (улушга) ҳақиқатдан назорат қилишга эга бўлган ўзининг якуний манфаатдор шахслари (бенефициарлари) тўғрисидаги ахборотларни ошкор қилишлари;  
ўзларининг веб-сайтларида ва маҳсус ахборот порталида доимий асосда танлаш савдолари якунлари бўйича имзоланган шартнома мажбуриятлари бажарилиши ҳақидаги маълумотларни жойлаштириб боришга мажбур.

#### 4 Электрон танлашга киритиш

4.1 Иштирокчилар ХҚКПдаги шахсий ҳисоб варакларига 3% аванс тўловларини киритганларидан сўнг электрон танлашга қўйилади.

4.2 Буюртмачи ва иштирокчилар электрон харидлардаги иштирокларини электрон рақами имзоларидан (бундан буён матнда ЭРИ деб юритилади) фойдаланган ҳолда амалга оширади. Буюртмачи ва иштирокчи томонидан ЭРИдан фойдаланиш, электрон тизимда тузиладиган шартномаларни ҳақиқий деб топиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

- Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари давлат харидлари электрон тизимида рўйхатдан ўтиши ва тижорат таклифларини юборишни электрон рақамли имзо калитсиз шахсий кабинет орқали амалга ошириши;
- электрон давлат харидларида қатнашиш учун тўланадиган аванс тўловлар орқали Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларини идентификация қилиши мумкин.

- 4.3 Давлат харидларининг электрон тизими автоматик режимда куйидагиларни амалгаоширади:
- давлат буюртмачиси ва иштирокчига киритилган аванс суммасига мувофиқ ҳар бир лот бўйича электрон давлат харидларидан фойдаланиш имкониятини яратиш;
- электрон давлат харидларини ўтказиш;
- иштирокчиларни аниқлаш ва шартномани шакллантириш;
- электрон давлат харидлари иштирокчиларининг таклифларини Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Курилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги маълумотлар базаларига интеграциялашуви орқали баҳолаш учун зарур бўлган маълумотлар билан давлат буюртмачиси ва харид комиссиясини таъминлайди.
- 4.4 Иштирокчиларни харидга киритиш улар томонидан порталдаги сўровнома-аризани тўлдириш йўли билан амалга оширилади.
- Иштирокчиларни харидга киритиш, уларнинг куйидаги мезонларга мувофиқ бўлганда амалга оширилади:
- шартнома тузиш учун қонуний хукуқка эгалиги;
- солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- Инсофиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Солиқ органдардың томонидан берилгандай ЭРИ мавжудлиги иштирокчанин шартнома түзиши ҳуқуқини белгилайды. Иштирокчи сүрөвнома-аризада унга нисбатан күллапайлган банкротлик тартиб-таомиллари мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ ва йигимларни тұлаш бүйича муддати үтгандай қарздорлықтарнан мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотларни тасдиқлады.

Иштирокчи томонидан сүрөвнома түлдирилғандан сүнг, портал томонидан Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри маълумотларини унда иштирокчи ҳақида ёзув мавжуд эмаслик, таилаш эълон килингунга қадар таъсис этилганинга бойдан кам бўлмаганлиги ҳолатлари текширилади.

Иштирокчи томонидан таклиф қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) намуналарини ўз вақтида тақдим қилинганини (*таилаш Иштирокчиси томонидан таилаш таклифига мос бўлган Товар (иш, хизмат) намунаси топширилганлигини тасдиқлайдиган ҳуёксасининг асл пусхаси асос бўлиб ҳисобланади*) текширилади.

Оператор:

буортмачилар ва иштирокчиларга **ХККПда**  
алоҳида шахсий ҳисобрақамлар очади;  
буортмачилар ва иштирокчиларга шахсий кабинетлар  
ташкил этади.

## 5 Таилашда иштирок этиш ва таклиф таъминотини тақдим этиш тартиби 5.1

Таклифининг таъминот усули, шу жумладан таилаш иштирокчисининг келишилгандай муддат даврида ўз таклифини қайтариб олмаслигига кафолат берувчи пул закалатини киритиш ва қайтариб олиш тартиби ҳамда миқдори электрондавлат харидлари тартиб-таомилларини тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатларга мувофиқ белгиланади.

\**Иштирокчи савдоларни ўтказиш вақтида қатнашишидан бош тортган тақдирда, унга закалат суммаси қайтариб берилмайди ва буормачининг ҳисоб рақамига маҳсус ахборот порталы оператори номига юборилгандай ҳуёксасат асосида ўтказилади.*

		<p>таклифни таъминлашнинг амал қилиш мулдати тугаси; шартноманинг кучга кириши ва ушбу шартноманинг бажарилиши таъминланиши, агар буидай таъминлаш давлат харидишартларида талаб этилса; давлат харидларининг бекор килиниши; таклифларни юборишининг охирги мулдати тугагунига қадар таклифнинг чакириб олиниши.</p>
5.4		<p>Оператор электрон танлаш натижасида шартнома тузилганидан сўнг, бир иш куни давомида закалатни банддан очади ва уни ижрочининг тегишли шахсий ҳисоб рақамига қайтаради.</p> <p>Операторнинг воситачилик йигими давлат харидларининг якунларига кўра битимнинг хақиқий суммасидан келиб чиқиб давлат буюртмачиси ва иштирокчининг аванс тўловларидан давлат харидларининг электрон тизими томонидан ушлаб қолинади.</p>
6	Танлаш таклифларини баҳолаш тартиби	<p>6.1</p> <p>Электрон танлаш харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда электрон тизим автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон хужжатларни кўриш имкониятини беради.</p> <p>Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда электрон тизимдаги электрон майдонлар тўлдирилиши керак.</p> <p>Электрон тизим иштирокчи таклиф этган нархни бошлангич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошлангич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилмаган майдонлар мавжуд бўлса ёки бириктирилган файллар тўлиқ бўлмаса, электрон тизим рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг танлаш таклифини рад</p>

этади. Биринчи иштирокчанинг танлаш таклифида кўреатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг топшириғига асосан эксперт гурухи томонидан амалга оширилади.

- 6.2 Танлаш таклифларини баҳолаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:
- танлаш таклифининг танлаш хужжатларида кўреатилган талабларга мос равища расмийлаштирилганлигини текшириш;
- иштирокчанинг малака талабларга (танлаш хужжатларида назарда тутилган бўлса) мувофиқлигини баҳолаш;
- танлаш таклифининг техник қисмини баҳолаш;
- танлаш таклифининг нарх қисмини баҳолаш.
- Бунда давлат харидларининг электрон тизими танлаш таклифининг малака, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотлар танлаш таклифининг олдинги қисми баҳоланиши якунлангандан сўнг кетма-кетлик билан ошкор қилинишини таъминлайди.
- 6.3 Электрон танлаш иштирокчилари томонидан тузиладиган хужжатлар рўйхати ушбу йўрикноманинг № 1, 2 шаклларида келтирилган.
- 6.4 Танлаш таклифларини баҳолаш ва танлаш ғолибини аниқлаш танлаш хужжатлари (1- илова)да белгиланган кетма-кетлик, тартиб, мезонлар ва услублар асосида амалга оширилади.
- 6.5 Иштирокчи қуйидаги ҳолларда танлашда иштирок этишдан четлаштирилади:
- у тўғрисида инсофсиз ижрочиларнинг ягонареестрида қайд мавжуд бўлса;
  - унда солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;
  - ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;
  - иштирокчи харид қилиш хужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

- иштирокчи давлат харидлари, жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-харакатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;
  - иштирокчи рақобатга қарши харакатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилланганлик ҳоллари аниқлансанса.
  - иштирокчиси томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича аризани тақдим этмаган бўлса;
  - иштирокчи шартнома тузиш хукуқига эга бўлмаса;
  - иштирокчи барча зарур хужжатлар тўпламини белгиланган муддатда тақдим этмаса ёки ўз вақтида тақдим этилган хужжатлар тўплами танлаш хужжатлари талабларига жавоб бермаса;
  - иштирокчи томонидан тақдим этилган хужжатлардаги ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда.
  - танлаш эълон қилингунга қадар таъсис этилганига б ой бўлмаган;
  - банк кафолатини тақдим қилмаган ва/ёки хужжатларни топширишнинг охирги санасига қадар ХККПдаги шахсий ҳисоб варақларига белгиланган микдорларда закалат суммасини ўтказмаган;
  - таклиф қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) намуналарини ўз вақтида тақдим қилмаган (танлаш Иштирокчиси томонидан танлаш тақлифиға мосбўлган Товар (иш, хизмат) намунаси топширилганлигини тасдиқлайдиган хужжатнинг асл нусхаси асос бўлиб ҳисобланади).
- Муассислари битта юридик ва жисмоний шахслар бўлган иштирокчилар.  
Иштирокчини харид қилиш тартиб- таомилларида иштирок этишдан четлатиштўғрисидаги қарор ва бунинг сабаблари харид қилиш тартиб-таомиллари ҳақидаги баённомага (ҳисоботга) киритилади ҳамда улар ҳақида тегишли иштирокчига дарҳол хабар берилади.
- Агар танлаш таклифи Конуннинг ва танлаш хужжатларининг талабларига мувофиқ келса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлаш таклифи танлаш хужжатларининг талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича харид комиссияси топшириғига асосан ташкил этилган эксперт гурухининг хулосалари асосида, комиссия томонидан тасдиқланган қарор комиссия котиби томонидан

6.6

		жойлаштирилади. Иштирокчининг танлаш таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор, ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.
6.7		Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссияси котиби орқали электрон танлаш иштирокчиларидан уларниң танлаш таклифлари юзасидан тушунишишлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади. Тушунишиш бериш жараёнида берилган таклиф ва нарх бўйича ўзгаришишларга йўл қўйилмайди.
6.8		Танлаш иштирокчиларининг таклифларини қўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.
7	Электрон танлашда иштирок этиш учун таклиф бериш	<p>7.1 Танлашда иштирок этиш учун таклиф давлат тилида ва заруриятга қараб бошқа тилларда тайёрланади.</p> <p>7.2 Электрон танлаш ўтказилганда иштирокчилар танлаш таклифларини электрон кўринишида ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон танлашни ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар. Ҳар бир жойлаштирилган электрон хужжат иштирокчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.</p> <p>7.3 Танлаш таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа хужжатларни файл сифатида жойлаштишилари мумкин*. Танлаш савдоларида голиб бўлмаган танлаш иштирокчилари голиблар рўйхати тасдиқлангандан сўнг 5 кун мобайнида таклиф қилинаётган Товарларнинг ўз намуналарини вақтинча сақлашдан олиб кетишлари шарт. Ушбу муддат тугагандан сўнг танлаш Иштирокчилари томонидан талаб қилиб олинмаган намуналар белгиланган тартибда йўқ қилиниши лозим.</p>

Танлаш ғолиблари товарларни етказиш юзасидан тузилган шартномага мувофиқ ўзмажбуриятлари түлиқ бажарилгунга қадар аввал вақтингча саклашга берилган товарлар намунасини қолдиради. Етказиб бериш шартнома шартлари бажарилгандан сўнг танлаш Голиби (Ижрочи) 5 кун мобайнида масъул сакланиш жойидан ўзининг товар намуналарини олиб кетишига ҳақли.

\*5 кун мобайнида олиб кетилмаган товар намуналари ўрнатилган тартибда йўқ қилинади.

\*Иштирокчиларнинг танлаш таклифлари электрон тизимда шаблонларга мувофиқ ҳуқисатларни биректириши орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар биректирилган ҳуқисатлардаги маълумотларга мос келиши керак.

7.4 Танлаш таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар электрон танлаш иштирокчилари, шу жумладан харид комиссияси котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.

7.5 Электрон танлаш иштирокчиси:

- битта лотга фақат битта танлаш таклифини беришга ҳақли
- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;
- танлаш таклифларини бериш муддати тугагунига қадар берилган танлаш таклифини қайтариб олишга ёки унга ўзgartиришлар киритишга ҳақли.

7.6 Жойлаштирилган эълонда кўрсатилган муддат ва вақтда электрон тизим танлаш таклифларини қабул қилишини тўхтатади.

7.8 Иштирокчининг нарх таклифи электрон тизимнинг тегишли бўлимига киритилади.

8	Танлаш таклифларини тақдим этиш муддатини узайтириш	8.1	Зарур бўлган ҳолларда буюртмачи томонидан танлаш таклифларини бериш муддати узайтирилиши ёки электрон танлашиштирокчиларига танлаш таклифлари қабул қилиниши муддати харид комиссияси қарори билин маълум вақтга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.
	Электрон танлаш натижаларини сархисоб қилиш	8.2	Буюртмачи харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учунтаклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш куни олдин танлаш хужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.
			Товарнинг (ишнинг, хизматнинг) номини ўзгаришига йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгаририлган бўлса, танлаш ўтказиштўғрисидаги эълонга ўзгаришлар киритилади.
		9.1	А) Электрон тизим автоматик равишда (балл усулидан фойдаланган) ҳолда танлаш таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини ғолиб сифатида аниқлайди.
			Б) Танлаш таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра танлашда иштирок этишини давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди.
			Баҳолаш натижасига кўра икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, энг паст нарх таклиф этган иштирокчи ғолиб деб топилади.

	9.2	<p>Күйидаги ҳолларда танлаш ўтказилмаган деб топилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- агар танлашда битта иштирокчи иштирок этганёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса;</li> <li>- агар харид комиссияси техник баҳолаш босқичида барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф танлаш бўйича харид қилиш хужжатлари талабларига мувофиқ келса.</li> </ul> <p>Бундай ҳолатда буюртмачи танлашни айни ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айни ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ тақороран амалга ошириши шарт.</p>
	9.3	<p>Танлаш таклифларини кўриб чиқиши натижаларига кўра харид комиссияси котиби электрон тизимдаги мавжуд шаблонлар асосида харид комиссия йигилишининг электрон баённомаларини шакллантиради ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига йўллайди.</p> <p>Харид комиссияси аъзолари давлат харидларининг электрон тизимида автоматик равишда шаклланган йигилишининг электрон баённомаларини ЭРИдан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди. Электрон баённомадан кўчирма давлат харидларининг электрон тизимида автоматик равишда эълон қилинади.</p>
	9.4	<p>Электрон таглашнинг исталган иштирокчиси танлаш таклифларини кўриб чиқиши ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг Буюртмачига электрон танлаш натижалари бўйича тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли.</p> <p>Буюртмачи бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida электрон танлаш иштирокчисига тегиншли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.</p>
<b>10</b>	<b>Бошқа шартлар</b>	10.1 Танлаш галиби тузилаётган шартноманинг умумий суммасининг 3 фоизи миқдорида

шартнома мажбуриятларини бажариш кафолатини (закалат ёки банк кафолати шаклида) тақдим этади.

10.2 Электрон танлаш иштирокчиси танлаш хужжатларидағи талабларни тушунтиришталаби билан буюртмачига очиқ электрон чат орқали танлаш таклифларини бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин сўров юборишга ҳақли.

Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида Буюртмачи, агар ушбу сўров Буюртмачига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, танлаш бўйича харид қилиш хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришларни юборади. Танлаш бўйича харид қилиш хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун - мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

10.3 Электрон танлаш иштирокчиси танлаш таклифларини бериш муддати тугагунига қадар берилган танлаш таклифини қайтариб олишга ёки унга ўзгартришилар киритишга ҳақли.

10.4 Буюртмачи ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталған вактда давлат харидини бекор қилиш хуқуқига эга. Давлат хариди бекор қилинган тақдирда Буюртмачи бундай қарор қабул қилингандан кейин икки иш куни ичида электрон тизим орқали маҳсус ахборот порталида мазкур қарорнинг асослантирилган сабабларини эълон қиласди.

**11 Танлаш натижалари бўйича шартнома тузиш**

11.1 Танлаш натижалари бўйича шартнома танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида ва шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўгрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан маҳсус ахборот порталига у тузилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

11.2 Голиб шартнома тузишни рад этган тақдирда,

харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш хуқуки захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб, ғолиб томонидан таклиф этилган нарҳда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарҳ ғолиб томонидан таклиф этилган нарҳдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишдан бош тортса, Буюртмачи янги танлаш ўтказади.

**ИШТИРОКЧИННИГ БЛАНКАСИДА**

2022 йил - даги  
-сон

**Харид комиссияси**

**КАФОЛАТ ХАТИ**

Ушбу хат билан \_\_\_\_\_  
(иштирокчи номи)

- Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини;
- \_\_\_\_\_ (буортмачи номи) билан суд ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини;
- \_\_\_\_\_ (буортмачи номи) билан аввал тузилган шартномалар бўйича лозим даражада бажарилмаган мажбуриятлари йўқлигини тасдиқлаймиз.
- \_\_\_\_\_ банкининг оффшор зоналарда рўйхатдан ўтказилмаганлигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

Раҳбарнинг Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Бош бухгалтернинг (молия бўлими бошлиги) Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Хуқуқшунос Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

МЎ.

*ИШТИРОКЧИННИГ БЛАНКАСИДА*

**Харид комиссияси**

**Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича  
АРИЗА**

Ушбу хат билан\_\_\_\_\_:  
(компания номи)

а):

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” ги Қонуни талабларига риоя этиш;

- Буюртмачи томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиши мақсадида Буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилмаслик, бермаслик ёки беришга розилик билдириласлик;

- рақобатга қарши ҳаракатларни содир этмаслик, шунингдек аффилланганлик холларига йўл қўймаслик;

- фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш;

- ёлгон ёки сохта хужжатларни тақдим этмаслик, айни битта лотда иштирок этган аффилланган шахслар ёки манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумотларни очиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олишини;

б):

- Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувига эга эмаслигини, ижрочини танлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳукуқига эга яқин қариндошларнинг мавжуд эмаслигини;

- нархларни ёки иштирокчиларни саралаш натижаларини бузуб қўрсатиш мақсадида бошқа иштирокчилар билан олдиндан тил бириктирмаслигини тасдиқлайди.

Имзолар:

Раҳбар Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Бош ҳисобчи (молия бўлими бошлиги) Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Ҳукуқшунос Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

МЎ.

Сана: 20\_\_й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Танлаш таклифларини баҳолаш усуллари ва мезонлари

1. Таклифларни баҳолаш мезони (усули) – Метод наименьшей цены.
2. Давлат харидларининг электрон тизими автоматик равиша танлаш таклифларининг техник қисмини баҳолаш итижаларига кўра танлашда иштирок этишин давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини голиб сифатида аниқлайди.
3. Танлаш таклифларининг техник қисминидан нархни нарх қисмига ўтиши минимал бали 2 бални ташкил этади.
4. Маҳаллий ишлаб чиқарувчига нисбатан Давлат харидларининг электрон тизими (маҳсус ахборот портали) автоматик равиша 15% приференция қўллади.
5. Буюртмачи қўйган талабларга жавобан Иштирокчилар ҳар бир бириктирган файллар 1 балли усулда баҳоланади.

№	Талаб номи	Қиймат тури	Қиймат	Баҳолаш мезони	Макс. балл	Мин. балл	Баҳолаш усули
1	Иштирокчи тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувохномага эга бўлиши	Бинарное значение	Утверждения (Да/Нет)	Эксперт баҳоси	1	0	Гувохнома юкланса-1 балл, юкланмаса-0 балл билан харид комиссияси котиби томонидан баҳоланади
2	Иштирокчининг коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича аризаси (тасдиқланган ҳолда, 2-сон шакл кўринишида)	Бинарное значение	Утверждения (Да/Нет)	Эксперт баҳоси	1	0	Ариза юкланса-1 балл, юкланмаса-0 балл билан харид комиссияси котиби томонидан баҳоланади
3	Иштирокчи ташкилотнинг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини, аввал тузилган шартномалар бўйича лозимдаражада бажарилмаган мажбуриятлари йўклигини, банкнинг оффшор зоналарда рўйхатдан ўтказилмаганинги тасдиқловчи кафолат хати (тасдиқланган ҳолда, 1-сон шакл кўринишида)	Бинарное значение	Утверждения (Да/Нет)	Эксперт баҳоси	1	0	Кафолат хати юкланса-1 балл, юкланмаса-0 балл билан харид комиссияси котиби томонидан баҳоланади

МК ва ЕИФБ бошлиги

Salixov M.N.

Шартномалар бўйича иқтисодчи

Ahmedov O.Sh.